

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ЎРТА ТИББИЙ  
ХОДИМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Чепель Евгения Анатолевна

2-Фарғона тиббиёт коллежи

Мавзунинг долзарбилиги: Соғлиқни - сақлаш тизимини ислоҳ қилиш босқичма - босқич амалга оширилмоқда. Соғлиқни - сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастуридаги асосий йўналишлардан бири - ахолига мутахассислар, умумий амалиёт шифокорлари ва тиббий ҳамширалар томонидан юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш борасида бирламчи тиббий хизмат тизимини такомиллаштириш ва уни янги концептуал модел асосида ташкил этишдан иборатdir.

Бу асосан ахолининг 80 - 85% га тиббий хизмат кўрсатадиган бирламчи тиббий санитария ёрдам муассасаларига тааллуқлидир. Бу борада ўрта тиббий ходимлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида бирламчи тиббий ёрдам муассасаларида ҳамширалар фаолиятини чуқур ўрганиш ва мониторинг олиб бориш учун зарурият уйғонди.

Тадқиқот мақсади: Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ўрта тиббиёт ходимининг ролини ўрганиш .

Тадқиқот вазифаси: Соғлом турмуш тарзи ҳақида ахолининг билим даражасини ўрганиш;

Ахолининг саломатлик ҳолатига таъсир этувчи асосий омилларни, овқатланиш хусусиятларини аниқлаш;

Ахолини билим даражасини ошириш ва гигиеник руҳда тарбиялаш борасида ташкил этилаётган тадбирларда ҳамшира фаолиятининг хажми ва замонавий ҳолатини (поликлиника ва уйларда) ўрганиш.

Илмий янгилиги: Ҳамширалар ҳамда мижозлар нуктаи назаридан соғлом-турмуш тарзини тарғиб қилишда оиласиб поликлиника ўрта тиббий ходимлар фаолияти баҳоланди, ахолига кўрсатиладиган тиббий хизмат самарасига таъсир этувчи омиллар ўрганилди

Тадқиқот усули:

Мавзу бўйича адабиёт манбалари

Статистика

Социологик сўровнома

Тадқиқот объекти: Тадқиқот Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Оққўрғон ҚОП да олиб борилди. Сўровнома- 38та ўрта тиббий ходимлар ва 100 та поликлиника қамровидаги мижозлар билан анкета ўтказилди.

Тадқиқотнинг амалий ахамияти: Аҳоли орасида соғлом-турмуш тарзини шакллантириш борасида ҳамшира фаолиятини такомиллаштириш - саломатликни мустаҳкамлашда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини аҳоли

онгода ўзлаштирилиш даражасини ва дастлабки профилактика ишларида ҳамширалар эгаллаган билимларинитаҳил килишга ёрдам беради.

Аҳолидан олинган социологик сўров натижаларида участка ҳамшираларнинг уйга ташрифига сарфлайдиган вақти хақида сўралганида 45 минут вақт сарфлайман деб 4% и, 30 минут гаплашаман деб 14% и, 7-10 минут вақтим кетади деб 16% и, 2-5 минут вақт кетади деб 22% и ҳамда 15-20 минут вақтим кетади деб 28 % ҳамширалар жавоб беришган.

Сиз ўз саломатлигингизни қандай баҳолай оласиз? - деб берилган саволга 9% аъло, 26% жуда яхши, 23% яхши, 16 % ўртача деб ҳамда 6% ахоли ёмон деб жавоб беришган. Олдинги йилларга нисбатан саломатлигингизда ўзгаришлар кузатилдими? берилган саволга улар олдинги йилларга нисбатан саломатлигимда ўзгаришлар бор деб 7% и, олдинги йилларга нисбатан озгина яхши деб 10% и, ўзгариш йўқ деб 34% и, олдинги йилларга нисбатан сусайган деб 15%и ҳамда соғлигим анча ёмонлашган деб 18% жавоб беришган. Оғир жисмоний машқлардан югуриш, оғир юк кўтариш, куч ишлатиладиган спорт турларидан чегаралаганмисиз? деган саволимизга қуидагича жавоб олдик. Ҳа, етарли даражада чегаралайман деб 33% и, ҳа, оз миқдорда чегаралайман деб 26% и, йўқ умуман чегараламайман деб 41% и жавоб беришган. Етарлича ўртача жисмоний машқларничи? деб берилган саволга 27% и ҳа, етарли даражада чегаралайман,4% и эса ҳа,оз миқдорда чегаралайман, 69%и эса йўқ умуман чегараламайман деб жавоб беришган. Ҳамшира кун тартиби ва дам олишни тўғри ташкил қилиш ҳақида суҳбат ўтказганми? деган саволга йўқ 5% и, кам 24 % и, ўрта 27% и, яхши 33% и , аъло 11% ини жавобни ташкил этди. Ахоли орасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра Овқатланиш тартиби ва характеристери бўйича ҳамшира Сиз билан суҳбат қилганми? деган саволга ахоли йўқ 9% и, кам 15 % и, ўрта 34% и, яхши 24% и, аъло 18% ини ташкил этди.

Ўрта тиббий ходимларнинг социологик сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, улар Сиз мижозларингиз билан кун тартиби ва дам олишни тўғри ташкил қилиш ҳақида суҳбат ўтказганмисиз? деган саволга ёмон 5% ини, ўртача 27% ини, яхши 46 % ини, аъло 22% ини ташкил этди. Сиз ахоли орасида рационал овқатланиш борасида суҳбат ўтказганмисиз? деган саволга йўқ деб 1% и, паст 6% и, ўрта 21% и, яхши 27% и, аъло 45% ини ташкил этди. Ўрта тиббий ходимлар категорияси ҳақида сўралганида олий тоифали ҳамширалар 29% и, 1-тоифали ҳамширалар 29% и, 2-тоифали ҳамширалар 5% и, тоифасиз ҳамширалар сони 37% ини ташкил этди. Сизнинг фикрингизча, поликлиникадаги ҳамширалар билим даражаси етарлими? деган саволга ҳа 71% и, йўқ 29% ини ташкил этилди. Поликлиника фаолияти умуман олганда Сизни қониқтирадими? деган саволга ҳа 6% и, йўқ 39% ини ташкил этди. Сиз ҳамширалик йўналишида малака оширишни ҳоҳлайсизми? деб берилган саволга ҳа 71% и, йўқ 29% ини ташкил этди. Сизнингча ўрта тиббий ходимлар фаолиятини такомиллаштириш учун нималар қилмоқ лозим? деб берилган

саволларга ҳамширалардан қуидагича жавоб олинди. Электрон тизимни йўлга қўйиш 14% и, ўқув семинарларни ташкил этиш 9% и, ёзув ишларни камайтириш 16% и, қайта аттестация ўтказиш 4% и, рафбатлантиришни йўлга қўйиш 7% ини ташкил этилди.

Хуносаси: Саломатликни мустаҳкамлашда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ўрта тиббий ходимларнинг билими ўрта даражада, бу эса ўрта тиббий ходимларнинг фаолиятида саломатлик муаммоларини ҳал этишда кўникма ва малакаларини оширишни тақоза этади.

Соғлом турмуш тарзига таъсир этувчи омиллардан кам харакат, овқатланиш тартибига риоя қилинмаслик, ёмон одатларлар борлиги, спорт билан кам шуғулланишлар аниқланди.

Бирламчи тиббий ёрдам муассасаларидағи ҳамшира фаолияти қониқарли даражада ташкил этилган.

Ахолини гигиеник руҳда тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида ҳамшира ишини такомиллаштириш учун тавсиянома ишлаб чиқилди.

#### **ASOSIY ADABIYOTLAR:**

1..SalomovaF.I., Iskandarova SH.T., AbdukadirovaL.K., SadullaevaX.A.,SHaripovaS.A, Axmadalieva N.O., Xasanova M.I. “Gigiena. Tibbiy ekologiya”. Darslik. Toshkent. RIO-TMA, 2019y

2.Duschanov B.A., Iskandarova SH.T. Umumiy gigiena. Darslik. -Toshkent. Kitob-jurnal. 2008 y.

Internet saytlari.

[www.google.uz](http://www.google.uz)

[www.med.uz](http://www.med.uz),

[www:markaz.uz](http://www:markaz.uz)

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)